



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги**

**“Қорақалпоғистон Республикасида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3588-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги “Қорақалпоғистон Республикасида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3588-сонли қарори 2-банди, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2018 йил 9 март кунги 172-сон қарори 6-бандлари ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Амударё, Беруний, Тахиятош, Хўжайли, Кўнғирот ва Чимбой туманлар ҳокимларининг фойдаланилмаётган тегишли ишлаб чиқариш майдонлари ва давлат мулки объектларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳисобига ўтказиш тўғрисидаги қарорларини инобатга олиб, Вазирлар Кенгаши қарор қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги ПҚ-3588-сонли қарори 2-банди ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2018 йил 9 март кунги 172-сон қарори 6-бандлари раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Амударё, Беруний, Хўжайли, Кўнғирот, Чимбой ва Тахиятош тумани ҳокимларининг қарорлари билан тузилган “Хўжайлик юритуви ва жамиятларнинг фойдаланилмаётган тегишли ишлаб чиқариш майдонлари ва давлат мулки объектларини тошпириш-қабул қилиш комиссияси”нинг тошпириш-қабул қилиш даволатномалари маълумот учун қабул қилинсин.

3. Амударё тумани ҳокимининг 2018 йил 30 апрель кунги 324-сон, Беруний тумани ҳокимининг 2018 йил 27 апрель кунги 4763-сон, Тахиятош тумани ҳокимининг 2018 йил 1 май кунги 607/05-сон, Хўжайли тумани ҳокимининг 2018 йил 5 май кунги 675/05-сон, Кўнғирот тумани ҳокимининг 2018 йил 28 апрель кунги 581/4-сон, Чимбой тумани ҳокимининг 2018 йил

29 апрель кунги 726-сонли қарори билан фойдаланилмаётган тегишли ишлаб чиқариш майдонлари ва давлат мулки объектларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига белгиланган тартибда ўтказиш бўйича тақлифлари мақуullanсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Ишлар Бошқармаси (Джуманьязов) Хусусийлаштирилган қорхоналарга қўмақлашиш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси (Қамалов), Молия вазирлиги (Садиков), Давлат солиқ бошқармаси (Сапарбеков), Қорақалпоғистон Республикаси Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастр давлат қорхонаси (Қамалов), Кичик саноат зоналари дирекцияси давлат унитар қорхонаси (Қайпазаров), манфаатдор давлат ва ҳўжайлик бошқаруви органлари ҳамда туман ҳокимлиқлари билан биргаликда иловада кўрсатилган объектларни Вазирлар Кенгашига қабул қилиб олиш ишларини ишчи гуруҳ тузган ҳолда амалга оширсин.


5. Қорақалпоғистон Республикаси Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастр давлат қорхонаси (Қамалов)га кўрсатиб ўтилган туманлар ҳокимларининг мазкур қарорлари билан қабул қилиниб олинмаётган фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва давлат мулки объектларига тегишли кадастр ҳўжатларини туманлар ҳокимлиқлари томонидан тўланган тўловларини инобатга олган ҳолда Вазирлар Кенгашига расмийлаштириш тошпирилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Ишлар Бошқармаси (Джуманьязов) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрь кунги «Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги нйзомни тасдиқлаш ҳақида»ги 378-сон қарори 1-илловаси 7-бандига асосан Вазирлар Кенгаши ҳисобига ўтказилган фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва давлат мулки объектларини “Қорақалпоғистон Республикаси кичик саноат зоналари дирекцияси” давлат унитар қорхонасига оператив бошқариш ҳўкуки билан берилишини таъминласин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси кичик саноат зоналари дирекцияси давлат унитар қорхонаси (Қайпазаров) Амударё, Беруний, Тахиятош, Хўжайли, Кўнғирот ва Чимбой туманлар ҳокимлари билан биргаликда қорорида кўрсатилган фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва давлат мулки объектларининг мақсадга мувофиқ фойдаланишини таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Б.Ҳабибуллаев зиммасига юқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси  
 Вазирлар Кенгашининг Раиси



К.Сариев

Қорақалпоғистон Республикаси  
 Вазирлар Кенгашининг  
 2018 йил "5" майдаги  
 302-сон қарорига  
 илова

Объект номи	Манзили	Умумий ер майдони (га)	Бино ва иншоотлар майдони (қв.м)	
			умумий майдони	фойдаланиш майдони
<b>Амуларё тумани қишқик саноот зонаси</b>				
"Амуларё пахта тозалаш" АЖнинг бино ва ер майдонлари	Амуларё тумани Мангит шаҳри "Навоний" МФЙ	14,3	12169,3	-
<b>Беруний тумани қишқик саноот зонаси</b>				
"Беруний пахта тозалаш" АЖга қарашли эски пахта тозалаш заводи	Беруний тумани "Жайхун" МФЙ	7,2	7714,94	-
<b>Чимбой тумани қишқик саноот зонаси</b>				
"Халқабод пахта тозалаш" АЖга қарашли "Чимбой пахта қабул қилиш пункти"	Чимбой тумани "Жокчи қавли" МФЙ Ж.Қарақулов кўчаси	5,8	8107	-
<b>Кўнғирот тумани қишқик саноот зонаси</b>				
"Ҳужайли пахта тозалаш" АЖга қарашли "Кўнғирот пахта таёрлаш пункти"	Кўнғирот тумани "Алтинқўл" МФЙ О.Дайтанов кўчаси	3,18	5376,57	-
<b>Ҳўжайли тумани қишқик саноот зонаси</b>				
"Ҳўжайли УЧСК" МЧЖ бино ва ер майдонлари	Ҳўжайли тумани С.Юсулова кўчаси 4 уй майдонлари	3,7	3999,30	-
<b>Тахиятош тумани қишқик саноот зонаси</b>				
Тахиятош тумани ҳожимлиги бағлансидаги бино ва ер майдонлари	Тахиятош тумани "Жайхун" МФЙ Қорақалпоғистон кўчаси	0,03	276,00	-
Икки қаватли матмурий бино иморати	Тахиятош тумани "Жайхун" МФЙ	3,14	920,28	1492,68
Дам олиш хона иморати	Қорақалпоғистон кўчаси		798,39	681,22

1-сонли ошхона иморати			488,22	416,24
2-сонли ошхона иморати			26,32	20,30
1-сонли гараж иморати			406,11	377,60
2-сонли гараж иморати			317,44	283,04
3-сонли гараж иморати			161,92	151,91
1-сонли қоравулхона иморати			19,20	13,52
2-сонли қоравулхона иморати			13,07	8,54
Ҳожатхона иморати			45,60	30,00
Таҳиятош тумани ҳокимлиги бағансийдаги бино ва ер майдонлари	Таҳиятош тумани "Жайхун" МФЙ Қорақалпоғистон кўчаси	0,05	546	-
Таҳиятош тумани ҳокимлиги бағансийдаги бино ва ер майдонлари	Таҳиятош тумани "Жайхун" МФЙ Қорақалпоғистон кўчаси	0,06	565,32	-
Мазмунрий бино			361,14	291,73
Устахона биноси			282,38	234,92
Омборхона биноси	Таҳиятош тумани "Дустилик" МФЙ В.С.Цхе кўчаси	9,68	595,69	573,54
Дено биноси			93,21	75,48
Ҳожатхона иморати			11,80	5,06

